

МАМЛАКАТИМИЗДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР**Чориев Шухрат Амирович**

ИИБ Академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568530>

Аннотация Ушбу мақола мамлакатимизда киберхавфсизлик ва кибержиноятларга қарши курашиш, соғлом Интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, интернет орқали содир этиладиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилаётган тизимли ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Интернет-муҳити, профилактикаси, Интернет-муҳити, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, оммавий ахборот воситалари, веб-макон, рақамли иқтисодиёт

Глобал миқёсида дунёда киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларга қарши курашиш борасида “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва ахборот-телекоммуникация технологиялар соҳаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, киберхавфсизлик ва кибержиноятлар соҳаларига оид тегишли чораларни кўриш, улар борасида профилактик тадбирларни самарали қўллаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимизда киберхавфсизлик ва кибержиноятларга қарши курашиш, соғлом Интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани, веб-ихтирочиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, соғлом ахборот муҳитини таркиб топтиришга йўналтирилган турли тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда, шахсларни Интернет ҳамлаларидан ҳимоялаш, ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини тарғиб қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда Интернет тармоқларидан фойдаланиш қоидалари, веб-макондаги хавф ва фирибгарликларга қарши курашиш усуллари тушунтирилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакли киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга “киберхавфсизлик”, “кибержиноятчилик” тушунчасини олиб кирди.

Интернет билан боғлиқ киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси Интернет ҳужум қурбони бўлмоқда ва ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберҳужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир¹.

Жаҳонда “Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри”да инсоният ҳаётида оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларни

¹ https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf

жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларини аниқлаш, динамикасини таҳлил қилиш ҳамда ушбу турдаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жиноятчи шахсини ўрганиш ва уларни олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборотлаштириш ва Интернет тармоғини ривожлантириш ишлари кенг амалга оширилган. Бунда Ўзбекистон мустақиликка эришган вақтда, яъни 1991 йили фақатгина электрон почта учун биринчи маълумотларни узатиш тизимига кириш имконияти пайдо бўлган. 1992–1995 йилларга келиб эса, илк локал провайдерлар иш бошлаган.

1995 йилнинг 29 апрель куни «UZ» домени ишга тушган. 1995–2000 йиллар Интернет тармоғи мамлакат доирасида катта тезликда ривожланиш босқичини босиб ўтган ва ҳозирги кўринишга келган².

Мазкур соҳа доирасида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ҳам ривожланиб келди. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этилди. 2015 йилда эса мазкур давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини сифатида қайта ташкил этилди. Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилди. Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кибержиноятчиликка қарши юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 841-қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини кескин қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шакллариغا қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламини жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Ҳозир айнан кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Киберхавфсизлик масалаларини ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрь кунидаги ПҚ-4452-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан киберхавфсизлик уни тартибга солиш соҳасида ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳисобланади. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги назорат бўйича давлат инспекцияси “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси (*Давлат хавфсизлик хизмати таркибида*) билан биргаликда давлат

² Ўзбекистонда Интернетнинг ривожланиш тенденциялари // Электрон манба http://nargis.uz/article_view.php?id=330

ва ҳўжалик бошқаруви органларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш, мониторинг қилиш, ўрганиш ва текширишни амалга оширади.

Бундан ташқари, рақамли маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ хавфларнинг ортиб бориши, давлат ва жамият манфаатлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига таҳдид солиши – глобал рақамли бошқарув учун янги муаммоларни келтириб чиқараётганлиги сабабли жорий йилнинг 15 март куни «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун президент томонидан имзоланди³. Ҳужжат Қонунчилик палатаси томонидан 25 феврал куни қабул қилинган, Сенатда 17 март куни **маъқуллаган**. 40 та моддадан иборат мазкур **қонун** расман эълон қилинганидан 3 ой ўтиб, 2022 йил 17 июлдан қонуний кучга кирди.

Киберхавфсизликни таъминлашдаги асосий принциплар – қонунийлик, шахс ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага ягона ёндашув, тизимни яратишда (давлат харидларида) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устуворлик бериш, халқаро ҳамкорлик учун очиқлик ҳисобланади.

Ушбу қонунда ҳам, бошқа кўплаб ҳужжатлар каби Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномаларда кўзда тутилган бошқача қоидаларда устуворлик берилган. Яъни, халқаро шартномада “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонундан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳам киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги ахборот ва маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ваколатли органи киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, киберҳимоя учун сертификатлаштирилган дастурий таъминотлардан фойдаланиши, соҳага доир норматив ва техник ҳужжатларни ваколатли орган билан келишиши шарт⁴.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурслари маълумотларининг сақланишини таъминлаш маълумотларнинг захира нусхаларини яратиш йўли билан амалга оширилади, **уларнинг сақланиш муддати охириги 3 ойдан кам бўлмаслиги** керак.

Муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари ва миллий ахборот ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ муайян ҳуқуқларга эга юридик шахслар, яъни **киберхавфсизлик субъектларига ҳам ушбу қонун доирасида бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлар** юклатилган.)

Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига кўра амалга оширилади. Қуйидагилар киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим: (18-модда)

давлат органларининг ахборот ресурслари;

³<https://kun.uz/news/2022/04/18/kiberxavfsizlik-togrisidagi-qonun-dxxga-qanday-yangi-vakolatlar-berildi>

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

давлат органларининг ахборот тизимлари;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ҳамда ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозим (19-модда).

Киберхавфсизлик ҳодисалари ваколатли давлат органи ёки киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи органнинг мансабдор шахслари томонидан текширилади. Шунингдек, техник имкониятларга эга бўлса ахборот ресурсларининг ўзи ҳам текширув ўтказиши мумкин. Бунда у ваколатли органи натижалардан хабардор қилиши керак (22-модда).

Шунингдек, қонуннинг олтинчи бобида муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш, уларни тоифалаштириш ва реестрини юритиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда хавфсизлик талабларига доир нормалар берилган.

Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ, **халқаро кибержиноятчиликка қарши курашиш масалаларига доир ахборотни чет давлатларга ва халқаро ташкилотларга сўров бўйича тақдим қилади.** Агар бундай ахборот тергов ва суд жараёнларига тўсқинлик қилмаса ҳамда киберхужумларга барҳам беришга хизмат қилса, ваколатли орган уни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга олдиндан сўровсиз ҳам бериши мумкин. (36-модда).

Хўш, “кибержиноятчилик” тушунчасининг ўзи нима эканлиги, унинг таркибий қисмлари ҳамда биз сўнгги пайтларда тез-тез учратишга одатланиб қолган кибермаконга оид ибораларга тўхталиб ўтамиз:

Киберхавфсизлик – ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси⁵.

Кибержиноятчилик тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган. Виртуал тармоқда даҳшат солиш, вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликлар шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларда жиноятчилар ўзларини қизиқтирган “объектлар”га моддий ва маънавий зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Кибержиноятчилик ва уни содир этувчи

⁵ <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

кимсалар доираси эса йилдан йилга кенгайиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди⁶.

кибермакон – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит⁷;

кибертахдид – кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи⁸;

Кибертерроризм – террористик мақсадлар йўлида компьютер ва телекоммуникация технологиялари (асосан Интернет)дан фойдаланиш. Кибертерроризм, шунингдек, махсус хакер дастурлари орқали компьютер бошқаруви тармоқларини эгаллаб олиш ва компьютер вируслари ёрдамида Интернет тармоғида теракт содир этиш, Интернет тармоғини ишдан чиқаришни кўзда тутди. Ушбу термин биринчи марта 1980 йилларда АҚШдаги Хавфсизлик ва разведка институти (Institute for Security and Intelligence) катта илмий ходими Барри Коллин томонидан ишлатилган.

Киберхужум – (**Cyber attack**) бу шахсий ёки уюшган гуруҳ томонидан компьютер тармоқлари, ахборот тизимлари ёки катта АТ инфратузилмасини нишонга олиш учун зарарли кодни ўғирлаш, ўзгартириш ушбу турдаги ҳаракатларнинг ҳар қандай афзалликларидан фойдаланиш учун турли хил воситалардан фойдаланган ҳолда ишлатиладиган хужум турлари ҳисобланади.

Интернет браузерини бузиш – (**Browser Hijacking**) бу сизнинг веб браузерингиздан стандарт уй саҳифасини ёки қидирув тизимини рухсатсиз зарарли дастурлар орқали ўзгартириш жараёни. Фойдаланувчи таъсирланган ўзгаришларни қайтариб бўлмаслигини сезиши мумкин ва ушбу турдаги дастур учун химоя воситасидан фойдаланиш керак. Бу тизимнинг умумий хавфсизлигига жиддий таҳдид деб ҳисобламайди, аммо уни тезда йўқ қилиш керак, чунки у Интернетдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилади.

Хакер – (**hacker**) одатда хакер деганда зарар етказиш учун компьютер тизимларига рухсатсиз киришни оширадиган шахс тушунилади. Аммо шуни ёдда тутиш лозимки, хакерларнинг икки тури мавжуд: тизимларга бузиб кириш синовларини ўтказиб, хавфсиз тизим ва дастурлар яратишда ёрдам берадиган ҳамда ўз натижаларини ошқор қиладиган “whitehat” хакерлар ҳамда ўз махоратларидан фойдаланадиган “blackhat” хакерлар.

Кетфишинг – (**catfishing**) Интернетда ёки бутун ижтимоий тармоқларда гуруҳларда эмоционал/романтик муносабатларда одамларни алдаш мақсадида, сохта профил, аккаунт ёки веб-сайтидан фойдаланган ҳолда мулоқотга киришиб, ўз мақсадларига эришишни ичига олган жараён.

Мутахассислар кетфишинг шахсдаги нафрат, қасос, қизиқувчанлик, ёлғизлик ёки зеркиш натижасида юзага келишини таъкидлайдилар.

⁶ Ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни аниқлаш, барвақт олдини олиш ва тергов қилиш методологияси//Ўз.Рес.ИИВ Академияси//муаллифлар жамоаси//Тошкент-2022 й// 8-бет

⁷ <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

Бу каби хатти-харракатлар мамлакатимиз худудида ҳам учраб турибди, бунинг учун Жиноят Кодекси 165-моддасига (Товламачилик) кўра жавобгарлик белгиланган.

Майнинг – бу кўпқиррали ва аниқ тарифланиши қийин бўлган тушунча. Майнинг тармоқдаги битимларни кузатиш ва рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини текшириш, блокчейнни сақлаш ва янги блокларни кузатиш, қўшимчалар учун номзод блокларни яратиш, блокни яроқли ҳолатга келтирадиган криптовалюта топиш (*тўғридан-тўғри қазиб олиш*) ҳамда блокни бошқа иштирокчиларга эълон қилиш каби процедура занжирдан иборат жараён сифатида тавсифланади. Содда қилиб айтганда майнинг криптовалюта яратишга ва криптовалюта кўринишида мукофот олишга қаратилган фаолиятдир.

Фишинг – (Phishing) бу кибержиноятчилар томонидан фойдаланувчиларнинг конфиденциал маълумотларини тўплаш учун фойдаланадиган Интернет-фирибгарликнинг кўриниши. Интернет фирибгарлари жабрланувчиларни ишонишга ва махфий маълумотларни ошкор қилишга мажбурлаш учун ўзларини ишончли юридик шахс сифатида кўрсатадилар. Фишинг орқали тўпланган маълумотлардан молиявий маълумотларни эгаллаш, шахсий маълумотларни ўғирлаш, жабрланувчининг ҳисоб рақамларига ёки улар кириш ҳуқуқига эга ҳисобларига рухсатсиз, жабрланувчини шантаж қилиш ва бошқалар учун фойдаланиш мумкин⁹.

Бу зарарли дастурлардан фойдаланиб содир этилган қилмишлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди билан, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик жиноятини содир этганлик ҳамда Жиноят Кодекси 165-моддасига асосан товламачилик учун жавобгарлик белгиланган

Кодни киритиш – (code injection) нотўғри маълумотларни қайта киритиш натижасида келиб чиққан компьютер хатоси. “code injection” бузғунчи томонидан заиф компьютер дастурига кодни киритиш ва жараённи ўзгартириш мақсадида ишлатилади. Кодни киритиш муваққиятли амалга оширилса, халокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ушбу усул веб-сайтларга зарарли код юқтириш орқали зарарли дастурларни тарқатишда қулланилади.

Ушбу ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг 278⁶-моддасида (зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш) жавобгарлик белгиланган.

Зарарли дастур – (Malware) компьютернинг нормал ишлашига халақит берувчи, махфий маълумотларни тўпловчи, компьютер тизимларига рухсатсиз кириш ҳуқуқига эга бўлган, кирувчи рекламаларни намойиш қилиши мумкин бўлган исталган зарарли дастурий таъминот.

Мобил Код – (mobile code) бу тизимлар (тармоқлар орқали) ўртасида узатилиши мумкин бўлган, шунингдек олувчининг аниқ розилигисиз компьютер каби локал тизимда ишлайдиган дастурий таъминот тури. Сиз дуч келадиган мобил коднинг баъзи мисоллари: JavaScript, VBScript, Flash анимацияБ Shockware филмлари, Java дастурларига ўрнатилган макрослар.

Рақамли дипломатия – деганда ахборот-коммуникация технологиялари (асосан Интернет)нинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, дипломатик

⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A4%D0%B8%D1%88%D0%B8%D0%BD%D0%B3>

топшириқларни бажариш тушунилади. Бироқ сўнгги пайтларда “рақамли дипломатия” тушунчаси бир давлатнинг АКТдан, асосан ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда, бошқа бир давлат ички ишига аралашуви, низо кўзгаши сифатида тушунилмоқда.

Фаолият сифатини яхшилайдиган ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда жиноятчиликнинг янги тури ҳисобланган “Ахборот технологиялари жиноятлари” ҳам бир вақтнинг ўзида шаклий жиҳатдан ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Ушбу соҳадаги жиноятларнинг хавфи шундаки, мудофаа, ишлаб чиқариш, иқтисодий, банк ва бошқа мақсадлардаги мураккаб компьютер тизимларининг бошқарув сенсорлари билан боғлиқ ҳаракатлар учун муҳим бўлган маълумотларнинг йўқ қилиниши, блокраниши, модификацияси одамларнинг ўлимига ва уларнинг соғлиғига зарар етказиши, мулкни йўқ қилиши, катта миқёсда иқтисодий зарар етказиши мумкин. Шундай экан, мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши самарали механизмини такомиллаштириш, шахсларнинг га доир ариза, хабарларини электрон рўйхатга олиш ва натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни яратиш, терговга қадар текширув босқичида иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, диспозитив ҳуқуқларни кенгайтириш ҳамда киберхавфсизлик ва кибержиноятлар қарши курашишнинг самарали тартибини жорий этишга доир муаммоларнинг илмий ва амалий асосланган ечимларини топиш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf
2. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
3. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
4. Ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни аниқлаш, барвақт олдини олиш ва тергов қилиш методологияси//Ўз.Рес.ИИБ Академияси//муаллифлар жамоаси//Тошкент-2022 й// 8-бет
5. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
6. <https://lex.uz/uz/docs/5960606>
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A4%D0%B8%D1%88%D0%B8%D0%BD%D0%B3>